

“Урганч экскаватор” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши
МАЖЛИС БАЁНИ

“30” июн 2022 йил

соат 11:00

Тошкент ш.

“Урганч экскаватор” АЖ акциядорларининг 2021 йил якунларига бағишланган йиллик умумий йиғилишини жамият кузатув кенгаши раиси Х.А. Омонов очиб берди ва йиғилиш қатнашчиларини жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши билан қутлаб йиғилиш раиси, котиби, ишчи раёсат аъзолари ва санок комиссиясини сайлаш зарурлигини айтиб ўтди.

Раис - Омонов Хайитбой Ахмадалиевич
Котиб - Атабаев Зафарбек Султонбеклович

Ишчи раёсат аъзолигига сайланди:

- | | |
|------------------------------|----------------|
| 1. Кузатув кенгаши аъзоси | Н.С. Абдуллаев |
| 2. Кузатув кенгаши аъзоси | Ф.Б. Одилов |
| 3. Жамият бош директори в.б. | М.С. Беязов |

Санок комиссиясига сайланди:

- | | |
|------------------------------|----------------|
| Жамият бош ҳисобчиси | У.Р. Матякубов |
| Жамият материал ҳисобчиси | З.Б. Жумабоева |
| Жамият ҳисоб китоб ҳисобчиси | Х.Х. Рузметова |

Санок комиссиясининг 2022 йил 30 июндаги 1-сонли баённомасига асосан умумий йиғилишда, жамиятнинг жойлаштирилган жами овоз берувчи акцияларнинг (47 819 922 та овоз) 54,67 фоизи, яъни 26 145 088 та овоз берувчи 1 нафар акциядор мавжуд (*акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қатнашиши ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати илова қилинади*).

Кун тартиби:

1. “Урганч экскаватор” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. “Урганч экскаватор” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. “Урганч экскаватор” АЖ бош директорининг 2021 йил фаолият якунлари юзасидан ҳисоботи, Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлари тасдиқлаш.
4. “Konsauditinform Agentligi” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг миллий аудит стандартлари ва халқаро аудит стандартлари асосидаги ташқи аудит хулосалари тасдиқлаш.

5. “Урганч экскаватор” АЖ тафтишчисининг 2021 йил фаолияти яқунлари юзасидан текширув хулосасини тасдиқлаш.

6. “Konsauditinform Agentligi” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021 йил яқунларига кўра корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулосаси тасдиқлаш.

7. “Урганч экскаватор” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил давомида амалга оширган мажлис баёнлари юзасидан ҳисоботи тасдиқлаш.

8. “Урганч экскаватор” АЖнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

9. “Урганч экскаватор” АЖнинг 2022 йил фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш мақсадида кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

10. “Урганч экскаватор” АЖнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун тафтишчисини сайлаш.

11. “Урганч экскаватор” АЖнинг 2022 йил фаолияти яқунлари юзасидан аудиторлик ташкилотини белгилаш.

12. “Урганч экскаватор” АЖ ижроия органи билан меҳнат шартномасини ўрнатилган тартибда бир йил муддатга яъни кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар узайтириш.

13. “Урганч экскаватор” АЖ уставини тасдиқлаш.

14. Жамият ҳисобидаги асосий воситани бозор қийматида корпоратив маслаҳатчи З. Атабаевга реализация қилиш.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан, йиғилиш раиси Х.А. Омонов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини тасдиқлаб беришни сўради. Йиғилиш 2022 йилнинг 30 июнь санасида соат 11-00 дан 13-00 гача амалга ошириш кўзда тутилган. Унга кўра асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига 10 дақиқагача, қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун 5 дақиқагача, овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус 30 дақиқа ажратилган. Регламент овозга қўйилганда, *Овоз бериш натижалари: “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.*

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан, жамият бош директори в.б. М.С. Бекязов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил фаолият яқунлари юзасидан ҳисоботи, Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботларини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади). Ҳисоботни тасдиқлаб бериш сўралганда, *Овоз бериш натижалари: “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.*

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан, жамият кузатув кенгаши аъзоаси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, “Konsauditinform Agentligi” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари юзасидан ижобий фикр билдирилган миллий аудит стандартлари ва халқаро аудит

стандартларига мувофиқ тақдим қилинган аудиторлик хулосасини ўқиб эшиттирди ва муҳокама учун тақдим қилди. Муҳокамадан сўнг ушбу масала овозга қўйилганда, *Овоз бериш натижалари: “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.* тасдиқлаш.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан: жамият бош директори в.б. М.С. Бекязов сўзга чиқиб, жамият тафтишчисининг 2021 йил яқунлари бўйича хулосасини ўқиб эшиттирди. Ушбу хулоса тасдиқлаб бериш сўралганда, *Овоз бериш натижалари: “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.*

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан: йиғилиш котиби З. Атабаев сўзга чиқиб, “Konsauditinform Agentligi” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021 йил яқунларига кўра корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулосасини ўқиб эшиттирди. Ушбу хулоса тасдиқлаб бериш сўралганда, *Овоз бериш натижалари: “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.*

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан: жамият кузатув кенгаши аъзоаси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2021 йил давомида амалга оширган мажлис баёнлари юзасидан ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Ушбу хулоса тасдиқлаб бериш сўралганда, *Овоз бериш натижалари: “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.*

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан: жамият бош директори в.б. М.С. Бекязов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 9 июндаги тавсиясига кўра 2021 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамиятнинг соф фойдаси (11 567,75 минг сўм) ни 100% захира фондига йўналтиришни муҳокама учун тақдим қилди. Муҳокамадан сўнг ушбу масала овозга қўйилганда, *Овоз бериш натижалари: “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.*

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан: жамият кузатув кенгаши аъзоси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, жамиятнинг йирик акциядори бўлмиш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан жамият кузатув кенгаши аъзоларига таклиф этган номзодларини ўқиб эшиттирди (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан номзодлар таклиф этган хати илова қилинади) ва муҳокама учун тақдим қилди. Муҳокамадан сўнг ушбу масала овозга қўйилганда, *Овоз бериш натижалари: “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.*

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан: йиғилиш котиби З. Атабаев сўзга чиқиб, жамиятнинг йирик акциядори бўлмиш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан жамиятнинг тафтишчисига таклиф этган номзод билан таништирди (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан номзод таклиф этган хати илова қилинади) ва муҳокама учун тақдим қилди. Муҳокамадан сўнг ушбу масала

овозга қўйилганда, *Овоз бериш натижалари:* “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан: жамият бош директори в.б. М.С. Беязов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 9 июндаги тавсиясига кўра, жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик ташкилотни Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликга мувофиқ, электрон дўкандан, хизматнинг энг кўп ҳақ миқдори бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз бараваригача бўлган қийматда харид қилишни муҳокама учун тақдим қилди. Муҳокамадан сўнг ушбу масала овозга қўйилганда, *Овоз бериш натижалари:* “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан: йиғилиш раиси Х.А. Омонов сўзга чиқиб, жамиятнинг ижроя органи бош директор в.б. М.С. Беязов билан тузилган меҳнат шартномасини муддатини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача узайтириб бош директор вазифасини бажарувчидан бош директорга ўзгартириш масаласини муҳокамага қўйди. Муҳокамадан сўнг ушбу масала овозга қўйилганда, *Овоз бериш натижалари:* “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан: жамият кузатув кенгаши аъзоси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, жамият янги таҳрирдаги устав лойиҳаси жамият кузатув кенгаши томонидан 2022 йил 25 мартдаги 63-сонли мажлис баённомасида тасдиқлаш учун жамият олий бошқарув органи кун тартибига киритилганлигини айтиб ўтди (янги таҳрирдаги устав лойиҳаси илова қилинади). Муҳокамадан сўнг ушбу масала овозга қўйилганда, *Овоз бериш натижалари:* “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан: жамият бош директори в.б. М.С. Беязов сўзга чиқиб сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 9 июндаги тавсиясига кўра жамият ҳисобидаги Урганч шаҳар, 3 даха, 28 уй, 16 хонадон манзилдаги уч хонали хонадонни бозор қийматида 174 378 000 млн. сўм миқдорида Жамият корпоратив маслаҳатчиси З. Атабаевга реализация қилиш масаласи тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилганлигини айтиб ўтди. Муҳокамадан сўнг ушбу масала овозга қўйилганда, *Овоз бериш натижалари:* “ёқлайман” - 100 фоиз, “қаршиман” - 0, “бетарафман” - 0.

Йиғилиш аъзолари кун тартибидаги барча масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, саноқ комиссиясининг 2022 йил 30 июндаги 2-сонли баённомасига асосан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Урганч экскаватор” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий

Йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Жамият бош ҳисобчиси У.Р. Матякубов

Жамият материал ҳисобчиси З.Б. Жумабоева

Жамият ҳисоб китоб ҳисобчиси Х.Х. Рузметова

2. “Урганч экскаватор” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

Йиғилиш 2022 йилнинг 30 июнь санасида соат 11-00 дан 13-00 гача амалга оширилсин. Унга кўра асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига 10 дақиқагача, қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун 5 дақиқагача, овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус 30 дақиқа ажратилсин.

3. “Урганч экскаватор” АЖ бош директорининг 2021 йил фаолият яқунлари юзасидан ҳисоботи, Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлари тасдиқлансин.

4. “Konsauditinform Agentligi” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг миллий аудит стандартлари ва халқаро аудит стандартлари асосидаги ташки аудит хулосалари тасдиқлансин.

5. “Урганч экскаватор” АЖ тафтишчисининг 2021 йил фаолияти яқунлари юзасидан текширув хулосаси тасдиқлансин.

6. “Konsauditinform Agentligi” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021 йил яқунларига кўра корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулосаси тасдиқлансин.

7. “Урганч экскаватор” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил давомида амалга оширган мажлис баёнлари юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

8. “Урганч экскаватор” АЖнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича соф фойдаси 100% захира фондига йўналтирилсин.

9. “Урганч экскаватор” АЖнинг 2022 йил фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш мақсадида қуйидаги таркибда кузатув кенгаши аъзолари сайлансин:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари в.б. Омонов Хайитбой Ахмадалиевич

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тўхтабоевич Ходжиев Хамид

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи в.б. Турсунов Хасан Искандарович

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Саноат фаолиятини ташкил этиш ва назоратини бошқариш бошқармаси бўлим бошлиғи Буранов Фурқатбек Фарходжонович

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи Аскарлов Музаффар Турсунбоевич

10. “Урганч экскаватор” АЖнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Молия бошқармаси бўлим бошлиғи Хўжаев Фаррух Мамасидикович тафтишчи этиб сайлансин.

11. “Урганч экскаватор” АЖнинг 2022 йил фаолияти якунлари юзасидан аудиторлик ташкилоти, Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликга мувофиқ, электрон дўкандан, хизматнинг энг кўп ҳақ миқдори бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз бараваригача бўлган қийматда харид қилишга розилик берилсин.

12. “Урганч экскаватор” АЖ ижроия органи - бош директор М.С. Бекязов билан меҳнат шартномасини ўрнатилган тартибда бир йил муддатга яъни кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар узайтирилсин.

13. “Урганч экскаватор” АЖ устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Жамият ҳисобидаги асосий воситани бозор қийматида корпоратив маслаҳатчи З. Атабаевга реализация қилишга розилик берилсин.

Раис



Х.А. Омонов

Котиб

З. Атабаев